

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ҲАМИДОВ ФАЙЗУЛЛО РАМАЗОНОВИЧ**

**ЕР ТУЗИШ ЛОЙИҲАЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЕР ТУРЛАРИ  
ТАРКИБИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ (БУХОРО ВИЛОЯТИ  
МАТЕРИАЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**06.01.10 –Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ**

**Тошкент–2019**

**Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ҳамидов Файзулло Рамазонович**

Ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини оптималлаштириш (Бухоро вилояти материаллари мисолида)..... 3

**Ҳамидов Файзулло Рамазонович**

Оптимизация сельскохозяйственных угодий в проектах землеустройства (на материалах Бухарского вилоята)..... 21

**Khamidov Fayzullo Ramazonovich**

Optimizyshin of struktura agrikalche ground in lend menejmentn projekt (materials of bukhara provins)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ҲАМИДОВ ФАЙЗУЛЛО РАМАЗОНОВИЧ**

**ЕР ТУЗИШ ЛОЙИҲАЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЕР ТУРЛАРИ  
ТАРКИБИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ (БУХОРО ВИЛОЯТИ  
МАТЕРИАЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**06.01.10 –Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ**

**Тошкент–2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Т.839 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифаси ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Авезбаев Садулло**

иктисод фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Суюнов Абдусоли Саматович**

техника фанлари доктори, профессор

**Абдуллаев Тўлқин Мансурович**

техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти,**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» «\_\_\_\_\_» 2019 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (+99871) 237-22-09; Факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (+99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестер баённомаси).

**Т.З.Султонов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**А.А.Янгиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

**Э.Ю.Сафаров**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д.профессор.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш усулларини такомиллаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи технологияларни яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан, ер ресурсларидан самарали фойдаланишда ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалиги ерларини оптималлаштириш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кўпгина мамлакатларда, жумладан Россия, Корея, Хитой, Англия, Нидерландия ва бошқа давлатларда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш усулларини такомиллаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш технологияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалиги ерларини оптималлаштириш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан ердан фойдаланувчиларга бириктириладиган ер турлари таркибини ва уларни оптималлаштиришга йўналтирилган усулларни такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини оптималлаштириш, қишлоқ хўжалигида агрокластерларни ташкил этиш асосларини ишлаб чиқиш усулларини такомиллаштириш зарур вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш”<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалиги ерларини оптималлаштириш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонлари, 2017 йил 10 октябрь ПҚ-3318-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз ва хориждаги бир қатор олимларнинг тадқиқотлари ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммосига бағишланган. Улар томонидан ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини оптималлаштириш ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш соҳасида илмий изланишлар амалга оширилган. Бу йўналишда С.А.Удачин, Н.Н.Бурихин, В.П.Троцкий, И.Д.Шулейкин, П.Н.Першин, А.В.Чаянов, Н.В.Бочков, В. Н. Хлыстун, М. А. Генделман, А.П.Ашташкин, С.Н.Волков, В.П.Заплетин, Г.В.Чешихин, А.П.Шулейкин, М.В. Андришина, С.Н.Носов, Г.П.Березенко, Г.И.Гарохов ва бошқа бир қатор олимларнинг ишлари муҳим ҳисобланади.

Суғориладиган ҳудудларда А.Т.Абдураззоқов, С. Аvezбаев, Г.А.Талипов, П.К.Татур, М.П.Кунявский, Р.А.Сафагариев, Л.М.Тўрахўжаева, В.П.Кайгародов, А.С.Чертовицкий, А.Қ.Бозоров, А.Бобожонов, Қ.Раҳмонов ва бошқа олимлар ўзларининг салмоқли илмий услубий ҳиссаларини қўшганлар. Олимлар томонидан ўрганилган масалалар ерлардан фойдаланиш даражасини ва ерлар деградацияси келиб чиқиш сабабини ўрганиш, мелиорациянинг зарурияти, хўжалик юритиш шакллариининг самарадорлигини ошириш ва чорва молларини боқиш учун ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, ерлардан фойдаланишни бошқаришни такомиллаштириш масалаларига қаратилган.

Бозор муносабатларининг изчил шаклланиши даврида ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини оптималлаштиришни такомиллаштириш усуллариини ишлаб чиқиш талаб этилади. Олиб борилаётган тадқиқотларимизнинг мақсади ҳам ушбу вазифаларни ечишга қаратилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислариини институтини илмий-тадқиқот ишлари режасининг № 2.4 “Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш услубларини такомиллаштириш асослари” (2012-2020 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини оптималлаштириш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ер тузишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш;  
хорижда ва республикамизда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган усуллари такомиллаштириш;

ер тузиш ва ердан фойдаланишни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигида агрокластерларни ташкил этиш асосларини ишлаб чиқиш усуллари такомиллаштириш;

ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини оптималлаштириш усуллари такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро вилояти ягона ер фонди, ер тоифалари ва аграр соҳадаги ердан фойдаланувчи субъектлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини оптималлаштириш, фермер хўжаликлари ва саноат корхоналари негизида агрокластерларни ташкил этиш усуллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик таҳлил, иқтисодий-математик, қиёсий таҳлил, монографик ва бошқа усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини оптималлаштириш усуллари массивнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик шароитларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган;

ишлаб чиқариш бўлинмаси ер майдонини, озуқа етиштириш ва фойдаланишни, йил даврлари бўйича меҳнат ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш ва уларни тақсимлаш ҳамда товар маҳсулотларини етиштиришни ҳисоблаш усуллари таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

етиштирилган маҳсулотни қайта ишловчилар билан биргаликда фаолиятини таъминловчи агрокластерларни ташкил этиш усуллари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш мақсадида ягона технологик занжирда бўлган инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида такомиллаштирилган;

ер тузиш ишларини тартибга солиш дастури суғориладиган тупроқларни бонитировкалаш натижаларини электрон тарзда тез ва сифатли бажарилишини ҳамда “онлайн” тарзда марказлашган бошқарувини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

хўжаликда ички ер тузишга таъсир этувчи омиллар таркиби иқтисодий-математик усуллар ёрдамида аниқланган;

ер ресурсларидан фойдаланишни бошқариш усуллари жаҳон тажрибалари асосида такомиллаштирилган;

республикада суғориладиган тупроқларни бонитировкалаш натижаларини электрон тарзда тез ва сифатли бажарилишини ҳамда “онлайн” тарзда марказлашган бошқарувини таъминлаш дастури яратилган;

фермер хўжалиklarининг ер майдонлари ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш, уларни тақсимлаш ҳамда товар маҳсулотларини етиштиришни инобатга олувчи иқтисодий математик модел яратилган;

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш мақсадида етиштирилган маҳсулотни қайта ишловчилар билан биргаликдаги фаолиятини таъминловчи агрокластерларни ташкил этиш усуллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишочлилиги ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини оптималлаштириш жараёнларини тадқиқ қилишда умумий қабул қилинган услублар, методологик ёндашув ва тадқиқот усуллариининг асосланганлиги, фойдаланилган ахборотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда қўлланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фермер хўжалиklarига бириктирилган қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ер турлари таркибини оптималлаштириш бўйича услубий масалалар такомиллаштирилганлиги, замонавий агрокластерларни ташкил этиш усуллари аниқланганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар ва уларни қайта ишловчиларнинг фаолияти ва иқтисодий самарадорлиги ўртасидаги боғлиқлик аниқланганлиги, ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот ишларининг амалий аҳамияти қишлоқ хўжалиги ерларининг тупроқ унумдорлиги паст ва шўрланган ҳудудларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, лойиҳа ташкилоти томонидан ишланаётган ер тузиш лойиҳаларининг сифатини оширишни таъминлаш имкониятларини яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини оптималлаштириш усуллариини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини оптималлаштиришнинг такомиллаштирилган усуллари ва суғориладиган тупроқларни бонитировкалаш натижаларини электрон тарзда тез ва сифатли бажарилишини ҳамда “онлайн” тарзда марказлашган бошқарувини таъминлаш дастури Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тасаруфига кирувчи “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий лойиҳалаштириш институтида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 31 январдаги 02-05-742-сон маълумотномаси). Натижада, суғориладиган тупроқларни бонитировкалаш ишларини “онлайн” тарзда марказлашган бошқариш имконияти яратилган;



ердан фойдаланиши самарадорлигини оширишда кластерларни қўллаш иқтисодий манфаатдорлигини ошириш мақсадида етиштирилган маҳсулотни қайта ишловчилар билан биргаликдаги фаолиятини таъминловчи агрокластерларни ташкил этиш усуллари Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тассаруфига кирувчи “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий лойиҳалашш институти Бухоро филиали ер тузиш лойиҳаларида жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 31 январдаги 02-05-742-сон маълумотномаси). Натижада ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инжинеринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни уйғун-лаштириш – иновацион ишлаб чиқаришни ташкил этишни таъминлаш имконият яратилган;

фермер хўжалиklarининг ер майдонлари ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш, уларни тақсимлаш ҳамда товар маҳсулотларини етиштиришни инобатга олувчи иқтисодий математик модели Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тассаруфига кирувчи Жондор туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 31 январдаги 02-05-742-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалиги ерларининг тупроқ унумдорлиги паст ва шўрланган худудларида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминлаш имконият яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари халқаро, республика миқёсидаги анжуманларда муҳокама қилинган ва мақулланган, жумладан 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларининг ишончилиги асосланган,

назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш руйхати келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ер тузишни лойиҳалашнинг илмий услубий асослари**” деб номланган биринчи бобида ер тузишни лойиҳалашнинг услубий масалалари, Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланишни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, ер ресурсларидан фойдаланишни ташкил этишнинг жаҳон тажрибаси таҳлил қилинган.

Маълумки, ер қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланиши билан бир қаторда, улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг миқдори, сифати ва таннархи асосан қишлоқ хўжалик корхонасидаги ернинг майдони, унумдорлигига, ер турлари таркибига, шаклига, йўл ва ташқи алоқа манзилларига нисбатан жойлашган ўрнига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, ер тузиш лойиҳалари қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларининг ташкил топишида, тартибга солинишида ва такомиллашишида жуда катта аҳамиятга эга.

Диссертациянинг “**Бухоро вилоятида ер ресурсларидан фойдаланишни ташкил этишнинг таҳлили**” деб номланган иккинчи бобида Бухоро вилояти ер фонди ва ундан фойдаланиш ҳолати, ердан фойдаланиш шакллари ва уларнинг таҳлили, фермер хўжаликларида ердан фойдаланишни ер тузиш ёрдамида ташкил этиш бўйича таҳлил натижалари ва жадваллар келтирилган. Вилоятда ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиш 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал\***

**Бухоро вилоятида ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши. 01.01. 2017 й**

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдон (минг га)		Шу жум, суғориладиган ерлар (минг га)	
		Жами	% да	Жами	% да
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	3378,5	80,6	272,1	6,5
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	7,8	0,2	0,7	0,016
3	Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадлар ерлари	144,5	3,4	0,5	0,011
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация ерлари	0,1	0,002	-	-
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	0,5	0,009	-	-
6	Ўрмон фонди ерлари	595,2	14,2	1,7	0,04
7	Сув фонди ерлари	66,3	1,6	--	-
8	Захира ерлар	0,8	0,019	-	-
	<b>Жами ерлар:</b>	<b>4193,7</b>	<b>100</b>	<b>275,0</b>	<b>6,6</b>

\*Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Вилоят бўйича жами майдон **4193,7 минг га**, шундан суғориладиган ерлар эса **275,0 минг га** ёки умумий ер майдонининг **6,6 %** ташкил қилади.

Бухоро вилоятида 2012-2017 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларини таркибининг ўзгариши 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Бухоро вилоятида 2012-2017 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларини таркибининг ўзгариши**

1-расмдан кўришиб турибдики, 2012-2013 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлар майдони ўзгармаган бўлса, 2014 йилдан бошлаб иқтисодиётнинг турли соҳаларига ер ажратилиши натижасида майдон ўлчами пасайиб бориш тенденциясига эга.

Вилоятда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалар таҳлилини шартли массив ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари мисолида кўриб чиқилди. Лойиҳа объекти сифатида Жондор туманидаги Бухоро массиви танлаб олинди, 1981 йилда ташкил топган ва пахтачиликка ихтисослашган, бундан ташқари чорвачилик, боғдорчилик ва ипакчилик ҳам ривожланган.

**Ердан фойдаланиш тавсифи.** Жондор тумани ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати маълумотларига кўра 2017 й 1 январь ҳолатига Бухоро массиви чегарасидаги барча ерларнинг умумий майдони 1756.9 га ташкил этади, шу жумладан массивда 123.5 га бегона ердан фойдаланувчилар мавжуд. Массив ер фондининг ер турлари бўйича тақсимлашни 2 жадвалда келтирилган.

## Бухоро массивининг ер фонди (01.01.2017 й)

Т/р	Ер турлари Номи	Майдони,га		
		Жами	Умумий майдонга нисбатан, % ҳисобида	Қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан, % ҳисобида
1.	Ҳайдалма ерлар: шу жумладан:суғориладиган	847,5 847,5	48.2	86.4
2.	Дарахтзорлар,жами: шу жумладан: боғлар узумзорлар тутзорлар	103.7 40.3 35.2 28.2	5.9	13.6 6.0 4.2 3.4
	<b>Жами қишлоқ хўжалик ерлари</b>	<b>951.2</b>	<b>54.1</b>	<b>100</b>
3	Томорқа ерлари жами: Шу жумладан: дала томорқа	445.1 95.07	25,3	
4	Ариқ канал ва завурлар	183,6	10.4	
5	Йуллар	46.06	2,6	
6	Қурилиш, кўчалар, саройлар ва майдонлар	65,38	3,8	
7	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	65.56	3.8	
	<b>Жами массив ерлари</b>	<b>1756.9</b>	<b>100.0</b>	

\*Жондор тумани ер ресурслари ва давлат кадастри маълуматлари асосида ҳисобланган

Қишлоқ хўжалик экинлари майдони, таркиби, ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулот кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

**Деҳқончилик тавсифи.** Массивда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари кесимида экин майдонлари таркиби, уларнинг ҳосилдорлиги, деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми, ўрганилиб, таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари 8-жадвалда келтирилган.

## Қишлоқ хўжалик экинлари майдони, таркиби, ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулотнинг кўрсаткичлари (01.01.2017 й)

Т.р	Қишлоқ хўжалик экинлари ва ер турлари номи	майдони		Ҳосилдорлик га/ц	Ялпи маҳсулот тон
		Га	%		
1	Пахта	590.2	62.1	29	1708.5
2	Буғдой шу жумладан: дони сомони	239.2	25.0	40 30	956.8 717.6
3	Беда	10.0	1.2	80	80.0
4	Сабзавот	3.0	0.3	140	42.0
5	Полиз	3.0	0,3	200	60.0
6	Картошка	3.0	0,3	100	30
7	Боғлар	40.3	4.2	69	282.0
8	Узумзорлар	35.2	3.7	69	241.8
9	Тутзорлар	28.2	2.9	58	163.0
	<b>Жами</b>	<b>951.2</b>	<b>100</b>		

\* Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилди

Массив худудидаги чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари-нинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тавсифини кўрсатувчи маълумотлар 4 жадвалда келтирилган.

#### 4-жадвал\*

#### Чорва молларининг таркиби ва бош сони

Т.р	Чорва моллари турлари ва гуруҳлари	Бош сони	Умумий бош сонига нисбатан % ҳисобида
1	Қора моллари, шу жумладан: - сигирлар	84	100
	- буқалар	40	47.6
	- ғунажинлар	2	2.3
	- бузоқлар	12	14.3
		30	35.7

\* Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилди

Массив худудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари томонидан 2017 йилда етиштирилган маҳсулотлар ва уларнинг умумий қийматини тавсифловчи маълумотлар 5-жадвалда келтирилган.

#### 5-жадвал\*

#### Ялпи маҳсулотнинг қиймати (2017 й харид нархлари бўйича)

т/р.	Маҳсулот тури	Етиштирилган маҳсулот миқдори, (тонна)	1 тонна маҳ-сулот нархи, (минг сўм)	Ялпи маҳсулот қиймати (минг сўм)
1	2	3	4	5
1.	Пахта	1708.5	2300	5467200
2.	Дон	956.8	1500	1435200
3.	Сабзавот	42	1500	63000
4.	Полиз	60	1000	30000
5.	Картошка	30	3000	90000
6.	Сомон	717.6	500	358800
7.	Мева	282	1000	282000
8.	Узум	241	2000	482000
9.	Беда пичани	80	500	40000
	<b>Дехқончилик жами</b>			<b>8248200</b>
10.	Сут	60.0	1500	90000
11.	Гўшт	2.9	30000	87000
12.	Пилла	3,2	25000	80000
	<b>Чорвачилик бўйича жами</b>			<b>257000</b>
	<b>Жами</b>			<b>8505200</b>

\* Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилди

5-жадвал маълумотлари фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотнинг асосий қисмини (97%) деҳқончилик маҳсулотлари ташкил этаётганлигини, чорвачилик маҳсулотларининг бу ердаги улуши жуда кичик (3%) эканлигини кўрсатади.

Массивда ердан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатувчи умумий кўрсаткичнинг унчалик юқори эмаслиги самарадорликни кўтариш учун илмий тавсиялар асосида ички ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш заруратини кўрсатади.

**Фермер хўжаликларида ердан фойдаланишни ер тузиш ёрдамида ташкил этиш.** Қишлоқ хўжалик корхонасида ички ер тузишнинг асосий вазибаларидан бири ер турлари ва алмашлаб экишни ташкил этиш ҳисобланади.

Ер турларини ва алмашлаб экишни ташкил этиш бир неча ажралмас боғлиқ масалаларини ечишни тақоза этади.

1. Ер турлари таркибини ва нисбатини, улардан фойдаланиш тартиби ва шароитларини белгилаш.

2. Ер турларини трансформациялаш, яхшилаш ва жойлаштириш.

3. Алмашлаб экиш тизимини ташкил этиш.

Ер турлари ва алмашлаб экишни ташкил этишнинг асосий мақсади ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олиш асосида, ердан фойдаланиш интенсивлигини ошириш ва самарадорлигини ўстириш ҳисобланади. Бунда экологик талабларга қаттиқ риоя қилиш керак, акс ҳолда тупроқлар унумдорлиги пасаяди, уларда эрозия ва бузилиш жараёнлари ривожланади.

**Ер турларини жойлаштириш.** Мевали дарахтлар тупроққа, рельефга ва маҳаллий иқлимга жуда талабгор. Шунинг учун ҳам уларга шўрланмаган тупроқли, рельефи баланд, сизот сувлари паст ва сув билан яхши таъминланган ер майдонларини ажратиш керак. Боғлар учун ажратилган ерларда сизот сувлари ер юзасига яқин бўлса, дарахтлар илдизлари ер ости сувларига етгач улар қурий бошлади. Натижада дарахтнинг ўсиши сусаяди ва қуриб қолади. Шу нуқтаи –назардан келиб чиқиб Искандарбобо ва Эргашев Алпомиш Муртазо фермер хўжаликлари ҳудудидаги пахта экини учун самарасиз ҳисобланган паст табиий унумдорликка (41-50 балл) эга бўлган, лекин ер ости сувлари 2-3 м чуқурликда жойлашган ҳудудда, яъни Искандарбобо фермер хўжалигининг 37 ва 227 контурларида 10.55 га янги боғларни 214; 216 ва 229 контурларида 17.62 майдонда янги узумзорларни, шунингдек Эргашев Алпомиш Муртазо фермер хўжалиги ҳудудидаги 32;33;35;36;37;38;40;41 контурларда янги боғларни ташкил қилишни тавсия қиламиз.

Ҳайдалма ерлар майдони келажакда фойдаланиладиган ерлар майдонидан лойиҳаланган ер турлари майдонларини айириш орқали ҳисобланади.

$$P_{хай.ер} = P_{ф} - (P_{боғ} + P_{узум} + P_{нут} + P_{ихота} + P_{томор}) = 1402.08 - (80.3 + 35.2 + 28.2 + 14.02 + 445.1) = 816.1 \text{ га} \quad (1)$$

Алмашлаб экиш майдонларини жойлаштириш пахтачилик массивларида ҳар бир фермер хўжалиги кесимида сабзаёт-полиз-картошка экинларини алоҳида массив сифатида эмас, алмашлаб экиш далалари бўйича жойлаштириш тавсия қилинди.

Диссертациянинг “**Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини оптималлаштириш**” деб номланган учинчи бобида ички ер тузиш лойиҳасини ишлаш тартиби, хусусиятлари, фермер хўжаликлари ердан фойдаланиши самарадорлигини оширишда кластерларни қўллаш, ички ер тузиш лойиҳасининг экологик, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги натижалари келтирилган.

Фермер хўжаликлари учун ишланадиган ер тузиш лойиҳаси бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари учун ишланадиган лойиҳалар билан мазмуни ва кўзланган мақсади ўхшаш бўлсада, лекин ишлаш тартиби бўйича бир қатор хусусиятларга эга бўлади.

Ўтказилган тадқиқотларда массивдаги иккита Бухоро баҳор даласи ва Эргашев Алпомиш Муртазо ўғли фермер хўжаликлари кесимида улардаги мавжуд ишлаб чиқариш ресурслари ва уларга бўлган талаб асосида иқтисодий - математик усуллардан (Симплекс усули) фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларининг оптимал майдонларини аниқланди.

Иқтисодий, ижтимоий, экологик боғланишларни ўрганиш учун ердан фойдаланишни лойиҳалашда асосий иқтисодий қонуниятларни ва жараёнларни тенглама ёки тенгсизликлар кўринишида ифодаловчи иқтисодий математик моделлаштиришлар қўлланилади. Иқтисодий-математик ёндашувни ердан фойдаланишнинг энг муқобил ўлчамини, қишлоқ хўжалик корхоналарининг оптимал ўлчамини аниқлашда кенг фойдаланиш мумкин.

Ер тузиш, ер фондини мақсадга мувофиқ, майдони ва ер участкаларининг шакли бўйича тўғри тақсимлашга ва ердан фойдаланиш кўлами бўйича оқилона ташкил этишга қаратилган. Демак, ер тузишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни қондириш учун ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил қиладиган тизимлар яратиш, иқтисодий математик моделлар асосида амалга оширилади.

Оптималлаштирувчи иқтисодий-математик масалаларнинг матрицаси деб аталувчи ахборотли жадвал тузилиб, унда турли хилдаги коэффициентлар маълум тизим бўйича жойлаштирилади. (6-жадвал).

### Масаланинг матрицаси

**6-жадвал\***

Чекланишлар №	x, олдидаги техник-иқтисодий коэффициентлар				Чекланиш тури	Ресурс ҳажми $b_j$
	1	2	j	n		
1	$a_{11}$	$a_{12}$	$a_{1j}$	$a_{1n}$	$\geq$	$b_1$
2	$a_{21}$	$a_{22}$	$a_{2j}$	$a_{2n}$	$\leq$	$b_2$
i	$a_{i1}$	$a_{i2}$	$a_{ij}$	$a_{in}$	$=$	$b_i$
m	$a_{m1}$	$a_{m2}$	$a_{mj}$	$a_{mn}$	$=$	$b_m$
Мақсад функцияси ко- эффициентлари	$c_1$	$c_2$	$c_j$	$c_n$	$\rightarrow$	мин (max)

\* Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилди

Масаланинг матрицасидаги ахборотлар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган:  $a_{ij}$  техник-иқтисодий коэффициентлар,  $b_j$  ресурс ҳажми,  $c_j$  мақсад функция коэффициентлари. Матрицанинг чап томонида жойлашган ва

моделлаштирилаётган объект тўғрисидаги ахборотлардан иборат бўлган коэффциентлар техник-иқтисодий коэффциентлар деб аталади. Қўлланилишига қараб улар меъёрий, пропорционаллик ва боғловчи коэффциентларга бўлинади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш учун мавжуд ер майдонлари ва бу майдонларга фойда келтирадиган экинларни экиш муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шу мақсадда экин майдонлари тузилмасини, пул тушумини, чорва молларининг оптимал зичлигини, минерал ва органик ўғитларга бўлган талабни, механизация ишларининг ҳажмини, меҳнат ресурсларига бўлган талабни ва тузилмага оид харажатлар натижаларини таҳлил қилиш, суғориладиган майдонларнинг сув билан таъминланганлигини ҳисоблаш ва тупроқнинг унумдорлиги, шўрланиши ва бошқа унумдорликни ошириш режимларини башоратлаш мақсадга мувофиқдир. Хўжаликнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик шароитлари ўрганилиб, қуйидаги иқтисодий математик модел тузилди.

Моделга қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$j$ - тармоқлар тартиб рақами;  $i$ -чекланишлар сони;  $k$  – ишлаб чиқариш бўлинмалари тартиб рақами;  $n$  - тармоқлар сони.

$j=1, l$ - деҳқончиликдаги фаолият турлари;

$j=l+1, n$ -чорвачиликдаги фаолият турлари;

$X_{jk}$ -қидирилаётган  $k$ -бўлинмадаги  $j$ - тармоқ ер ўлчами;

$X_{ik}$ -  $k$ -бўлинмадаги қидирилаётган  $i$ - ресурс тури;

$\bar{x}_{ik}$ -  $k$ - бўлинмадаги  $i$ -турдаги товар маҳсулотини режадан ортиқ ишлаб чиқариш ҳажми;

$c_{jk}$ -  $k$  - бўлинмадаги  $j$ -тармоқ бирлик ишлаб чиқариш ҳажмининг пулдаги ифодаси;

$a_{ijk}$ - $j$ -турдаги ердан ёки қишлоқ хўжалик экинидан  $k$ -бўлинмадаги  $i$ -турдаги озуқа миқдори;

$v_{ijk}$  –  $k$ -бўлинмадаги  $j$ -турдаги 1бош мол учун  $i$ -турдаги сарф қилинган озуқа;

$d_{ijk}$  -  $k$ - бўлинмадаги ,  $j$  - тармоқ учун  $i$ -турдаги ресурснинг сарф қилиниши;

$s_{ijk}$  -  $k$ - бўлинмадаги  $j$  - тармоқда етиштирилган  $i$ -турдаги товар маҳсулоти;

$q_{ijk}$  -  $k$ - бўлинмадаги  $j$  – тармоқда 1 бош чорва моли учун озуқа,  $j$  етиштирилган  $i$ -турдаги товар маҳсулоти;  $A_{ik}$  -  $k$ - бўлинмадаги  $i$ - озуқанинг ўтган йилги захираси;  $D_{ik}$ -  $k$ - бўлинмадаги  $i$ -даврдаги меҳнат ресурслари ҳажми;  $S_{ik}$ -  $k$ - бўлинмадаги  $i$ -турдаги ресурс тури;  $Q_i$ -  $i$ - товар маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми;

Масаланинг барча асосий ўзгарувчиларини қуйидаги тўпламларга бўламиз:  $M_1$  –қишлоқ хўжалик ер турлари тўплами;  $M_2$  – озуқа турлари тўплами;  $M_3$  - йил давомида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даврлари тўплами;  $M_4$  - ишлаб чиқариш ресурслари тўплами;  $M_5$  - ишлаб чиқариш



ресурсларининг лимитланган тўплами;  $M_6$ –товар маҳсулотлари турлари тўплами.

У ҳолда масаланинг математик модели қуйидаги кўринишда бўлади

$$Z = \sum_{k=1}^k \sum_{j=1}^n C_{jk} X_{jk} \rightarrow \max \quad (2)$$

Ўзгарувчиларга қуйидаги шартлар қўйилади:

1) Ишлаб чиқариш бўлинмаси ер майдони:

$$\sum_{i=1}^l x_{jk} \leq x_{ik}, \quad i \in M_1; \quad k \in K; \quad (3)$$

2) ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича озуқа етиштириш ва фойдаланиш:

$$\sum_{i=1}^l a_{ijk} x_{jk} + \sum_{j=l+1}^n v_{ijk} x_{jk} \leq A_{ik} \pm x_{ik}, \quad i \in M_2; \quad k \in K; \quad (4)$$

3) бўлинмалардаги йилнинг даврлари бўйича меҳнат ресурсларидан фойдаланиш бўйича:

$$\sum_{j=1}^n d_{ijk} x_{jk} \leq D_{ik} + x_{ik}, \quad i \in M_3; \quad k \in K; \quad (5)$$

4) бўлинмадаги ишлаб чиқариш ресурсларидан (механизация воситалари, пул-буюм, минерал ўғитлар) фойдаланиш:

$$\sum_{j=1}^n s_{ijk} x_{jk} \leq S_{ik} + x_{ik}, \quad i \in M_4; \quad k \in K; \quad (6)$$

*боғловчи блок чекланишлари*

5) хўжаликнинг ишлаб чиқариш ресурсларини тақсимлаш

$$\sum_{k=1}^K x_{ik} \leq B_i, \quad i \in M_5; \quad (7)$$

6) қишлоқ хўжалик товар маҳсулотини етиштириш

$$\sum_{i=1}^l q_{ijk} x_{jk} = Q_i + \bar{x}_{ik}, \quad i \in M_6; \quad k \in K; \quad (8)$$

7) ўзгарувчиларнинг манфий бўлмаслик шарти  $x_{jk} \geq 0; x_{ik} \geq 0$ .

**7-жадвал\***

### Моделга киритилган белгилашлар

1-фермер хўжалиги	Кўрсаткичлар	2-фермер хўжалиги
$x_1$	Пахта етиштириш майдони, га	$x_7$
$x_2$	Дон экинларини етиштириш майдони, га	$x_8$
$x_3$	Беда етиштириш майдони, га	$x_9$
$x_4$	Сабзавот етиштириш майдони, га	$x_{10}$
$x_5$	Қорамол (бош) сони	$x_{11}$

\*Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилди

Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини оптималлаштириш масаласини 8-жадвал маълумотлари асосида қараб чиқамиз.

8-жадвал\*

### Оптималлаштириш масаласининг ечимлари

1-фермер хўжалиги		2-фермер хўжалиги
$x_1=150,55$	Пахта етиштириш майдони, га	$x_7=50,58$
$x_2=70,69$	Дон экинларини етиштириш майдони, га	$x_8=24,4$
$x_3=19,3$	Беда етиштириш майдони, га	$x_9=13,03$
$x_4=9,88$	Сабзаёт етиштириш майдони, га	$x_{10}=3,39$
$x_5=170$	Қорамол (бош)	$x_{11}=25$
Жами талаб қилинадиган пул-буюм воситалари		28226,26
Жами етиштириладиган:		
1. Пахта		70000
2. Дон		47000
3. Сут		18760
Мақсад функция: фойда		1733808,796 минг с.

\* Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилди

Бу белгилашлардан фойдаланиб, жадвал маълумотларини оптимал ечимни аниқлаш дастурига киритиб, юқоридаги ечимлар олинган:

Агрокластерни ташкил этишнинг муҳим жиҳати унинг иштирокчиларининг биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сотиш, илмий, тадқиқотлар олиб бориш.

Бухоро массивида иссиқхоналар шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва ресурстежамкор технологияларни жорий этиш учун агрокластер ташкил этиш бўйича қуйидаги таклиф тайёрланди.



**\*2-расм. Иссиқхона хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кластер усулида ташкил этиш схемаси**

(\* Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилди)

Агрокластерда, фермер хўжаликларида ташкил этиладиган иссиқхона хўжаликлари ҳамда маркетинг ва савдо хизмати кўрсатувчи компаниялар унинг асосий ядроси ҳисобланади (3-расм).

Хўжаликда ички ер тузиш самарадорлиги: экологик, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда намоён бўлади.

Хўжаликда ички ер тузишнинг экологик самарадорлиги табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларни қайта тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш заруратидан келиб чиқади. Лойиҳанинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари 9 жадвалда келтирилган.

### 9-жадвал\*

#### Лойиҳанинг асосий техник- иқтисодий кўрсаткичлари\*

Т.р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори		Фарқи + -
			Ер тузиш йилида	Лойиҳа бўйича	
1	Фермер хўжаликлари сони, жами: Шу жумладан: ишлаб чиқариш соҳалари бўйича:	Дона	48	41	-7
	-пахтачилик	дона	18	14	-4
	-боғдорчилик-узумчилик	дона	24	23	4
	-чорвачилик	дона	1	1	-
	-бошқа йўналишлар	дона	-	3	3
2	Фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони, жами: Шу жумладан: хайдалма ер Дарахтлар	га	1253.5	1253.5	-
		га	847.5	816.1	-31.4
		га	103.7	148.3	44.6
3	1 та фермер хўжалигининг ўртача ер майдони Шу жумладан: пахтачиликда Боғдорчилик-узумчиликда	га	26.1	30.6	4.5
		га	47.1	58.3	11.2
		га	4.32	6.45	2.13
4	Ялпи маҳсулот қиймати	минг сўм	8505200	13687200	5182000
5	Ишлаб чиқариш харажатлари	минг сўм	7004160	9581040	2576880
6	Соф даромад	минг сўм	1501040	4106160	2605120
7	Рентабеллик даражаси	%	21	43	22
8	Капитал харажатлар	минг сўм	-	5064234	-
9	Капитал харажатлар қопланиш муддати	Йил	-	2	-

\* Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилди

Натижада ер тузишнинг барча турдаги самарадорликлари қишлоқ хўжалик корхонаси фаолиятининг иқтисодий натижаларида акс этади.

### ХУЛОСАЛАР

Ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини оптималлаштириш (Бухоро вилояти материаллари асосида)” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация бўйича олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларига кўра қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича жаҳонда, жумладан, Россия, Корея, Хитой, Англия, Нидерландия ва бошқа давлатларда ер ресурсларидан самарали фойдаланиши соҳасида эришилган ютуқлар ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида ер тузишни лойиҳалашнинг услубий асосларини такомиллаштириш имконияти яратилди;

2. Бухоро вилояти шароитида ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи барча омиллар таъсири ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида хўжаликда ички ер тузишга таъсир этувчи омиллар таркиби тизимлаштирилди.

3. Ер тузиш лойиҳаларида қишлоқ хўжалик ер турларини оптималлаштиришда паст унумдорликка (41-50 балл) эга бўлган суғориладиган ерларда пахта экини ўрнига дарахтзорлар жойлаштиришни 45% га кўпайтириш тавсия қилинди. Натижада паст табиий унумдорликка (41-50 балл) эга бўлган, ерлардан унумли фойдаланишга имконияти яратилди.

4. Фермер хўжалиklarининг мавжуд ер майдонлари ва ишлаб чиқариш ресурсларидан асосида товар маҳсулотларини етиштиришни инобатга олувчи иқтисодий-математик модел яратилди. Натижада Бухоро вилояти Жондор тумани Бухоро массивида қишлоқ хўжалиги ерларининг оптимал таркиби ва майдонлари аниқланди, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминлаш имконияти яратилди.

5. Ер тузиш лойиҳаларида қўлланиладиган қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини оптималлаштириш усуллари массивнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик шароитларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилди. Натижада қишлоқ хўжалиги ерларининг рентабеллик даражаси 22% га ошди.

6. Ердан фойдаланиш самарадорлигини “кластер”ларни қўллаш орқали ошириш тавсия қилинди. Маҳсулот етиштирувчилар билан уларни қайта ишловчиларнинг биргаликдаги фаолиятини таъминловчи агрокластерларни ташкил этиш усуллари такомиллаштирилди. Натижада ягона технологик занжирда бўлган илмий, инжинеринг, консалтинг ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш – инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этишни таъминлаш имконияти яратилди.

7. Бухоро вилояти Жондор тумани Бухоро массивининг ички ер тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада паст бонитет балларига эга бўлган худудларда амалдаги пахта–буғдой навбатлаб экиш ўрнига маҳсус 5:2:3 (пахта:ғалла:беда) алмашлаб экиш схемаларини жорий этиш таклиф қилинди. Натижада пахта ҳосилини 5-10 центнерга ошириш имконияти яратилди.

8. Суғориладиган тупроқларни бонитировкалаш ишларини электрон тарзда тез ва сифатли бажарилишини ҳамда “онлайн” тарзда марказлашган бошқарувни таъминловчи дастур яратилди. Натижада ер мониторингини ўтказиш ишларини “онлайн” тарзда тез ва сифатли бажариш имконияти яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ҲАМИДОВ ФАЙЗУЛЛО РАМАЗОНОВИЧ**

**ОПТИМИЗАЦИЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ УГОДИЙ В ПРОЕК-  
ТАХ ЗЕМЛЕУСТРОЙСТВА (НА МАТЕРИАЛАХ БУХАРСКОГО  
ВИЛОЯТА)**

**06.01.10 – «Землеустройство, кадастр и мониторинг земель»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Т.839.**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Авезбаев Садулла**

доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Суюнов Абдусоли Саматович**

доктор технических наук, профессор

**Абдуллаев Тулкин Мансурович**

кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Каршинский инженерно-экономический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Т.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязий 39, тел.: (+99871)- 237-19-61, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiiame.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (регистрационный номер № \_\_\_\_\_). Адрес 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязий 39, тел.: (+99871) 237-19-45.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.)

**Т.З.Султанов**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н.

**А.А.Янгиев**

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н.

**Э.Ю.Сафаров**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Совершенствование методов эффективного использования земельных ресурсов, создания технологий по продовольственной безопасности являются одной из важных проблем в мире. В связи с этим особое внимание уделяется к совершенствованию методов оптимизации земель сельскохозяйственного назначения в проектах землеустройства. В этом отношении многие страны, в том числе Россия, Корея, Китай, Англия, Нидерланды и другие уделяют особое внимание к усовершенствованию методов по эффективному использованию земельных ресурсов, созданию технологий по продовольственной безопасности.

Уделяется особое внимание к целевым исследованиям по усовершенствованию методов эффективного использования земельных ресурсов и оптимизации земель сельскохозяйственного назначения в проектах землеустройства. В этом отношении совершенствование методов направленных по установлению структуры земельных угодий и оптимизация их площадей является одной из важных задач. Вместе с этим, необходимыми задачами являются оптимизация структуры сельскохозяйственных угодий, усовершенствование методов разработки основ организации агрокластеров в сельском хозяйстве.

В мире ведутся целенаправленные научно-исследовательские работы по разработке технологий эффективного использования земельных ресурсов. В этом отношении, в том числе в проектах землеустройства научно-исследовательские работы направленные на совершенствование методов установления структуры земельных угодий и оптимизации их площадей является одной из важных задач.

В республике осуществляется целевые мероприятия по рациональному и эффективному использованию земель сельскохозяйственного назначения, межотраслевому распределению и перераспределению земельных ресурсов. В Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи «по развитию многоотраслевых фермерских хозяйств, занимающихся производством, переработкой, заготовкой, продажей, строительными работами и реализацией сельскохозяйственной продукции». Реализация этих задач, в том числе, эффективное использование земельных ресурсов, совершенствование методов оптимизации сельскохозяйственных угодий в проектах землеустройства, имеет важное значение.

